

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

8-сон
(196)
2006 й.
февраль

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуққий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

49. «Улгуржи ва чакана савдони либераллаштириш ҳамда уни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 февралдаги ПФ-3722-сон Фармони
50. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 19 сентябрдаги ПҚ-183-сон қарорига ўзгартиш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 февралдаги ПҚ-288-сон қарори

Учинчи бўлим

51. «Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 20 февралдаги 27-сон қарори
52. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва

- Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ–244-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 февралдаги 28-сон қарори
53. «Вазирлар Маҳкамасининг «Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божи миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 24 октябрдаги 421-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 февралдаги 29-сон қарори
54. «Ўсимликларни химоя қилиш кимёвий препаратларини етказиб бериш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 24 февралдаги 31-сон қарори
55. «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 24 февралдаги 32-сон қарори

Бешинчи бўлим

56. «Давлат улушларини бошқариш бўйича хизматларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитасининг 2006 йил 25 январдаги 7, 01/06-18/01-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 18 февралда 1262-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
57. «Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўздавэнергоназорат инспекцияси бошлигининг 2005 йил 26 декабрдаги 232-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 18 февралда 1546-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
58. «Мижозларга ҳисобварақлар очиш, уларнинг ҳисобварақларига пул маблағларини ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш, иш ҳақи ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул маблағларини беришнинг ўрнатилган тартибларини бузганликлари учун тижорат банкларига жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 15 февралдаги 4/4-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 21 февралда 1044-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
59. «Ўзбекистон Республикасида радиоалоқадан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2006 йил 6 февралдаги 35-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 21 февралда 1547-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
60. «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредит-

лар бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2005 йил 31 декабрдаги 273-В, 111-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 21 февралда 1548-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

61. «Тижорат банклари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси кредит линиялари ҳисобидан оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Савдо-саноат палатасининг 2005 йил 31 декабрдаги қарори. (*2006 йил 21 февралда давлат реестридан чиқарилди*)
62. «Акциядорлик-тижорат Тадбиркорбанкнинг кредит линиялари ҳисобидан тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига дастлабки (бошлангич) сармояни шакллантиришга кредит бериш ҳамда лизинг компаниялари томонидан лизингни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2005 йил 31 декабрдаги қарори. (*2006 йил 21 февралда давлат реестридан чиқарилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2006 йил 18 февралдан 24 февралгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

49 Улгуржи ва чакана савдони либераллаштириш ҳамда уни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида

Савдо соҳасидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, улгуржи савдо тизимини янада такомиллаштириш, улгуржи, чакана савдо билан истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида барқарор шартномавий муносабатлар учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек аҳолига савдо хизмати кўрсатиш сифати даражасини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниялари муассисларининг «Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияларини, шунингдек ҳудудий савдо-ишлаб чиқариш «Савдо» акциядорлик компанияларини тугатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги тугатилаётган ва қисқартирилаётган тузилмалар фаолияти билан боғлиқ харажатларнинг тасдиқланган кўрсаткичларига зарур тузатишлар киритсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги Р-2360-сонли фармойиши билан тузилган ишчи гуруҳнинг, иловага мувофиқ, истеъмол товарларининг асосий гуруҳлари бўйича ҳудудий (вилоятлараро, туманлараро ва вилоят) базалари тармоқларига эга бўлган ихтисослаштирилган республика улгуржи база-контораларини шакллантириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Мазкур республика улгуржи база-контораларининг фаолиятини мувофиқлаштириш учун қонунчиликда белгиланган тартибда Улгуржи савдо корхоналари уюшмасини ташкил қилиш зарур деб ҳисоблансин.

3. Қуйидагилар республика ихтисослаштирилган улгуржи база-контораларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

чакана савдо корхоналарини, айниқса қишлоқ, бориш қийин ва тоғли ҳудудларда жойлашган корхоналарни тузилган шартномаларда назарда тутилган ҳажм ва турдаги истеъмол товарлари билан барқарор таъминлаш;

ички истеъмол бозорида маркетинг тадқиқотлари олиб бориш, мамлакатимиз корхоналари билан барқарор савдо алоқалари ўрнатиш ва саноат ҳамда озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун буюртмаларни жойлаштириш;

чакана савдо ташкилотлари томонидан бериладиган буюртмалар асосида бозорни истеъмол товарлари билан таъминлаш, жумладан республикада ишлаб чиқариш чекланган ёки чиқарилмайдиган товарларни импорт бўйича харид қилиш ҳисобига амалга ошириш;

замонавий улгуржи-савдо технологияларини жорий этиш, техника билан жиҳозлаш масалаларида, шунингдек айланма маблағларни шакллантиришда ҳудудий базаларга ёрдам кўрсатиш.

Белгилансинки, юридик шахс ҳисобланувчи республика ихтисослаштирилган улгуржи базалари очик акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилади, фаолият кўрсатаётган ва янгидан ташкил этилаётган республика ҳамда вилоят улгуржи базалари, шу жумладан, тугатилаётган «Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниялари тизимига кирувчи улгуржи базалар, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар унинг муассислари бўладилар.

4. Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси бир ой муддатда белгиланган тартибда ихтисослаштирилган ҳудудий базалар рўйхатини, Республика улгуржи база-конторалари тўғрисидаги намунавий низомни, шунингдек улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензияларни олиш тартибини белгилаб берадиган ҳужжатлар пакетини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига киритсин.

5. Қўйидагилар белгилаб қўйилсин:

ихтисослаштирилган улгуржи база конторалар, уларнинг ҳудудий базалари, вилоят «Матлуботсавдо» акциядорлик компаниялари, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи ва чакана савдо корхоналари ўртасидаги ўзаро савдо муносабатлари узок муддатли ва ўрта муддатли шартнома асосида қурилади;

ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалар ва уларнинг ҳудудий базалари, шунингдек вилоят «Матлуботсавдо» акциядорлик компаниялари чакана савдо корхоналари республиканинг қайси ҳудудида жойлашганидан қатъи назар улар билан олди-сотди шартномаларини тузиш ҳуқуқига эгадирлар.

6. Қўйидагилар:

республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари ва уларнинг ҳудудий базалари;

бориш қийин ва тоғли ҳудудларда фаолият кўрсатаётган чакана савдо корхоналари беш йил муддатга мулк солиғи тўлашдан озод қилинсин.

2006 йилнинг 1 апрелидан бошлаб бориш қийин ва тоғли ҳудудларда янги ташкил этилаётган савдо корхоналари учун рўйхатга олиш йиғими суммаси битта энг кам иш ҳақи миқдорида белгилансин.

7. Молия вазирлиги Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалар ва уларнинг ҳудудий базалари томонидан солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлаш тартиби тўғрисида таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ўн кун муддатда ушбу Фармонни ижро этишга оид ҳужжатлар, жумладан Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси, ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари, савдо фаолиятини амалга ошириш талабларини тасдиқлаш, шунингдек «Ўзбекбирлашув» ва «Ўзбексавдо» акциядорлик компанияларини тугатиш бўйича комиссияни тузиш борасидаги ҳужжатларнинг лойиҳаларини киритсин;

икки ой муддатда «Матлуботсавдо» ҳудудий компанияларининг фаолиятини ўрганиб чиқсин ва унинг натижаларига кўра улар фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда қишлоқ, бориш қийин ва тоғли ҳудудлар аҳолисининг зарур товарларга бўлган талаб-эҳтиёжини қондириш бўйича таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 23 февраль,
ПФ-3722-сон

—

+

+

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2006 йил 23 февралдаги ПФ-3722-сонли
Фармонига
ИЛОВА

8 (196)-сон

Республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари рўйхати

№	Ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалар	Ихтисослашув йўналиши	Жойлашган манзили	Улгуржи база-конторалар қуйидаги корхоналар негизида ташкил этилади
1.	«Газмол»	Барча турдаги текстиль маҳсулотлари улгуржи савдоси	Тошкент шаҳри, Кушбеги кўчаси, 20-а уй	Тошкент «Газмол» ОАЖ
2.	«Кийим»	Кийим ва тикув маҳсулотлари улгуржи савдоси	Тошкент шаҳри, Толариқ кўчаси, 36-уй	Тошкент «Кийим» ОАЖ
3.	«Пойафзал ва спорт моллари»	Барча турдаги пойафзаллар, жисмоний тарбия ва спорт моллари, мотоцикллар, велосипедлар ва уларга эҳтиёт қисмлар улгуржи савдоси	Тошкент шаҳри, Толариқ кўчаси, 26-уй	Тошкент «Пойафзал ва спорт моллари» ОАЖ, Тошкент «Спорт моллари» ОАЖ
4.	«Хўжалик ва қўрилиш моллари»	Барча турдаги хўжалик истеъмол маҳсулотлари, мебеллар ва қўрилиш моллари улгуржи савдоси	Тошкент шаҳри, Толариқ кўчаси, 24-уй	Тошкент «Хўжалик моллари» ОАЖ, Тошкент «Жиҳоз» ОАЖ
5.	«Маданий моллар»	Маданий-маиший маҳсулотлар, телерадиоапаратуралари, компьютер техникаси, қоғоз ва канцелярия маҳсулотлари, мактаб ўқув қуроллари улгуржи савдоси	Тошкент шаҳри, Шоҳсанам кўчаси, 5-уй	Тошкент «Маданий моллар» МЧЖ
6.	«Атторлик»	Атторлик-галантерея, гилам, гилам буюмлари, пайпоқ маҳсулотлари ва ювиш воситалари улгуржи савдоси	Тошкент шаҳри, Жомий, Мавзук тор кўчаси, 5-уй	Тошкент «Атторлик» ОАЖ
7.	«Озиқ-овқат моллари»	Гўшт-сут, балиқ, баққоллик-қандолат маҳсулотлари ва мева-сабзавот консервалари улгуржи савдоси	Тошкент шаҳри, Олтинқўл 2-тор кўчаси, 115-уй	Тошкент «Гўшт-сут савдо» ОАЖ Тошкент «Баққоллик» ОАЖ

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2006 й.

— 7 —

49-модда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

50 **Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 19 сентябрдаги ПҚ-183-сон қарорига ўзгартиш киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ-244-сон қарорига мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 19 сентябрдаги ПҚ-183-сон қарорининг 1-бандидаги учинчи хатбоши ва унга 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 24 февраль,
ПҚ-288-сон

—

+

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

51 Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида

«Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида» 2005 йил 22 ноябрдаги 256-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхати (кейинги ўринларда «Рўйхат» деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар ва идоралар:

тегишли ахборот ресурслари шакллантирилиши, улардан фойдаланилиши, ўз вақтида қўллаб-қувватланиши ва янгиланишини таъминласинлар;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига бир йилда икки марта 1 июн-гача ва 1 декабргача давлат ахборот ресурслари бўйича ахборотни, шунингдек ҳар йили жорий йилнинг 31 декабригача кейинчалик Рўйхатга киритиш учун йил мобайнида шакллантирилган давлат ахборот ресурслари бўйича таклифларни киритсинлар.

3. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги заруриятга кўра ҳар йили 1 февралгача вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Рўйхатга ўзгартиришлар киритишга доир умумлаштирилган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 20 февраль,
27-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 20 февралдаги 27-сон қарорига
ИЛЮВА

**Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш,
улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул
бўлган давлат органлари рўйхати**

Т/р	Давлат ахборот ресурслари номи	Масъул давлат органлари
1.	Сугурга қилувчилар (қайта сугурталовчилар)нинг ягона давлат реестри	Молия вазирлиги
2.	Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари давлат ҳисоби реестри	Адлия вазирлиги
3.	Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат реестри	
4.	Солиқ тўловчилар – юридик ва жисмоний шахсларнинг ягона реестри	Давлат солиқ қўмитаси
5.	Ихтиролар давлат реестри	Давлат патент идораси
6.	Фойдали моделлар давлат реестри	
7.	Саноат намуналари давлат реестри	
8.	Ўсимликлар навлари давлат реестри	
9.	Ҳайвонларнинг зотлари давлат реестри	
10.	Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари давлат реестри	
11.	Товарларнинг келиб чиқиш жойлари номлари давлат реестри	
12.	Дастурий маҳсулотлар давлат реестри	
13.	Маълумотлар базаси давлат реестри	
14.	Интеграл микросхемалар топологиялари давлат реестри	
15.	Патентли ишончли вакиллар давлат реестри	Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги
16.	Рўйхатдан ўтказилган лицензия шартномалари ва ҳуқуқларни бериш тўғрисида шартномалар маълумотлар банки	
17.	Давлат, тармоқ стандартлари, маъмурий-ҳудудий стандартлар ва уларга ўзгартиришлар, техник шартлар, корхоналарнинг маҳсулотига стандартлар ва уларга ўзгартиришлар, амал қилинадиган ҳужжатлар, шунингдек стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш бўйича нормалар ва қоидалар давлат реестри	
18.	Сертификатлаштириш бўйича аккредитация қилинган органлар давлат реестри	
19.	Аккредитация қилинган синов лабораториялари давлат реестри	
20.	Юклашдан олдинги инспекция органлари давлат реестри	Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси
21.	Сифат бўйича экспертлар-аудиторлар давлат реестри	
22.	Сертификатланган сифат тизимлари давлат реестри	
23.	Давлат кадастрлари ягона тизими (ДКЯТ)	
24.	Ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар давлат регистри	
25.	Бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқлар давлат регистри	
26.	Давлат картография-геодезия фонди	
27.	Давлат ер фонди	

Т/р	Давлат ахборот ресурслари номи	Масъул давлат органлари
28.	Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри	Давлат статистика қўмитаси
29.	Музейлар, шу жумладан чет элдаги музейлар фондларидаги экспонатларнинг ягона каталоги	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
30.	Маданий-маърифий ва спорт иншоотлари реестри	
31.	Спорт турлари бўйича мамлакат рекордлари реестри	
32.	Мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари	Халқ таълими вазирлиги
33.	Умумтаълим мактаблари учун ўқув, бадий ва методик адабиётларнинг ягона маълумотлар базаси	
34.	Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
35.	Кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликлар	
36.	Давлат таълим стандартлари	
37.	Пенсионерлар маълумотлар базаси	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
38.	Интеграцияланган маълумотлар базаси (жисмоний шахслар)	Ички ишлар вазирлиги
39.	Ўзбекистоннинг табиий ресурслари	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси
40.	Оммавий ахборот воситалари ягона реестри	Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги
41.	Радиочастоталарни тақсимлаш миллий жадвали	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
42.	Давлат ахборот ресурслари реестри	
43.	Давлат органлари веб-сайтлари	
44.	Фан, адабиёт, санъат асарлари ва уларнинг муаллифлари, турдош ҳуқуқлар субъектлари ва объектлари	Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

52 **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ–244-сон қарори)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ–244-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 22 февраль,
28-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 22 февралдаги 28-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2001 йил 31 декабрдаги 490-сон қарорига 31-илованинг 2-банди чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона бизнеси ва халқаро туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 2 сентябрдаги 310-сон қарори 9-бандининг учинчи хатбошидан «ва экология солиғидан» сўзлари чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Пул-буюм лотереялари ўтказишни ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 15 ноябрдаги 396-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 70-модда) 6-бандининг биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«6. 2003 йил 1 январдан бошлаб даромад (фойда)дан олиннадиган солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ тўлови ўрнига юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган лицензияга мувофиқ лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ўтказишдан олинган ялпи тушумидан тўланадиган ягона солиқ жорий этилсин».

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Чимён-Чорвоқ курорт-дам олиш зонасида «Чорвоқ оромгоҳи» соғломлаштириш маркази қурилишини тугаллаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 10 январдаги 10-сон қарори 5-бандининг учинчи хат бошидаги «ер солиғи ва экология солиғи» сўзлари «ва ер солиғи» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

53 Вазирлар Маҳкамасининг «Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божи миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 24 октябрдаги 421-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида» 2005 йил 21 сентябрдаги ПҚ-186-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Вазирлар Маҳкамасининг «Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божи миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 24 октябрдаги 421-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 10-сон, 57-модда, 11-12-сон, 64-модда) иловадаги изоҳга қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

- а) иккинчи хатбошининг биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
«Давлат божи лицензиянинг амал қилиш даврида ҳар йили тенг улушларда тўла ниши мумкин»;
- б) тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 22 февраль,
29-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ BAZИPЛAP MAХҚAMACИНИНГ ҚAPOPИ

54 Ўсимликларни химоя қилиш кимёвий препаратларини етказиб бериш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигини ўсимликларни химоя қилиш кимёвий препаратлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 2006 йил 31 январдаги ПҚ–272-сон қарорини бажариш ҳамда кимёвий препаратларни етказиб бериш ва улардан самарали фойдаланиш юзасидан назоратни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликларни химоя қилиш кимёвий воситаларига эҳтиёжни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича идоралараро комиссия тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг қишлоқ хўжалигини кимёвий препаратлар билан таъминлаш борасида ҳамкорлик қилиши тартиби 2-иловага мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги учун таъсирчан моддалар ва тайёр кимёвий препаратлар харид қилиш бўйича идоралараро тендер комиссияси таркиби ҳамда комиссия тўғрисидаги низом 3* ва 4-иловаларга мувофиқ;

Таъсирчан моддалар ва тайёр кимёвий препаратлар импорти бўйича таклифларни кўриб чиқиш ва хулосалар бериш тартиби тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликларни химоя қилиш кимёвий воситаларига эҳтиёжни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича идоралараро комиссия (С. Исмоилов) комиссияга юкланган вазифаларни бажариш бўйича унинг ишлари самарали ташкил этилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликларни химоя қилиш ва агрокимё республика марказининг қишлоқ хўжалигига етказиб бериладиган кимёвий препаратлардан самарали фойдаланиш бўйича фаолияти мувофиқлаштирилишини ташкил этсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 24 февраль,
31-сон

* 3-илова берилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 24 февралдаги 31-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
хузуридаги Ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларига
эҳтиёжни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича
идоралараро комиссия тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларига эҳтиёжни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича идоралараро комиссия (кейинги ўринларда Идоралараро комиссия деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 январдаги ПҚ–272-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларига эҳтиёжни шакллантириш ишларини, уларнинг тақсимланишини ва қишлоқ хўжалигида самарали фойдаланилишини ташкил қилиш устидан назоратни амалга оширади.

II. Идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари ва функциялари

2. Қуйидагилар Идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади: қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг тайёр кимёвий препаратларга, таъсирчан моддалар ва компонентларга эҳтиёжини ҳар йилги буюртманомалар асосида аниқлаш, шу жумладан уларни республика корхоналарида ишлаб чиқариш ва импорт бўйича келтириш ҳажмларини аниқлаш;

кимёвий препаратларни қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари бўйича тақсимлаш, пестицидларни қўлланиш регламентларига, шунингдек препаратларни сарфлаш нормаларига риоя қилиш йўли билан улардан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш устидан назоратни таъминлаш;

«Ўзстандарт» агентлигининг ихтисослаштирилган лабораторияларида муқобил ва олиб келиш назоратини қўллаш асосида республика корхоналарида ишлаб чиқарилаётган ва импорт бўйича келтирилаётган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари сифатига бўлган талабларга риоя қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги экинларини касалликлар ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш бўйича ишлатилган препаратларнинг тўлиқлиги ва таъсирининг самарадорлигини баҳолаш юзасидан фермер хўжалиқларига хизматлар кўрсатиш учун шарт-шароитлар яратишда кўмаклашиш;

кимёвий ҳимоя қилиш воситаларининг сақланиши ва сақланиш сифатини мунтазам текширишларни ташкил этиш, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг фойдаланиш муддати ўтган қолдиқларини аниқлаш ва улардан фойдаланишни тўхта-тиш.

III. Идоралараро комиссия ишини ташкил этиш

3. Идоралараро комиссия қонун ҳужжатлари ва ушбу Низом асосида фаолият кўрсатади.

4. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё республика маркази Идоралараро комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

Ишчи орган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларига эҳтиёж тўғрисидаги буюртманомаларни қабул қилади, уларни умумлаштиради, ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларининг тақсимланиши, қўлланиши ва самарадорлиги мониторингини олиб боради, пестицидлардан самарасиз фойдаланиш ҳолларига оид материалларни тўплайди, Идоралараро комиссия мажлислари учун материаллар тайёрлайди, мажлислар протоколларини юритади, Идоралараро комиссия қарорларини фойдаланувчиларга етказди ва ушбу Низомдан келиб чиқадиган бошқа ташкилий ишларни амалга оширади.

5. Идоралараро комиссия ўз мажлисларини заруриятга кўра, бироқ ҳар чоракда камида бир марта ўтказди.

IV. Идоралараро комиссиянинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

6. Идоралараро комиссия кўйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларига эҳтиёжни ҳар йилги буюртманомалар асосида шакллантириш, уларни республика корхоналарида ишлаб чиқариш ва импорт бўйича келтириш ҳажмини аниқлаш;

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё республика марказидан ҳамда унинг вилоятлар, туманлар бўлинмаларидан ишлаб чиқаришда қўлланадиган пестицидларнинг биологик самарадорлиги бўйича материалларни сўраб олиш;

кимёвий ҳимоя воситаларининг сақланиши ва сақланиш сифатини мунтазам текширишларни ташкил этиш.

7. Идоралараро комиссия шунингдек ушбу Низомдан келиб чиқадиган бошқа ҳуқуқлар ва мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

V. Раҳбарият


8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Идоралараро комиссиянинг раиси ҳисобланади.

9. Идоралараро комиссия раиси Идоралараро комиссия ишини ташкил этади ва унинг фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

VI. Идоралараро комиссия фаолиятини тўхтатиш тартиби

10. Идоралараро комиссия фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатилади.

Вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг қишлоқ хўжалигини кимёвий препаратлар билан таъминлаш борасида ҳамкорлик қилиши тартиби



Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 24 февралдаги 31-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалиги учун таъсирчан моддалар ва тайёр кимёвий
препаратлар харид қилиш бўйича идоралараро тендер
комиссияси тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Қишлоқ хўжалиги учун таъсирчан моддалар ва тайёр кимёвий препаратлар харид қилиш бўйича идоралараро тендер комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигини ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий препаратлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 31 январдаги ПҚ–272-сон қарорини бажариш юзасидан ташкил этилган.

2. Комиссия таъсирчан моддаларни ва Ўзбекистон Республикасида қўлланиш учун рухсат этилган етишмайдиган тайёр кимёвий препаратларни тендер асосида импорт бўйича харид қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида ташкил этилган.

II. Комиссиянинг вазифалари ва функциялари

3. Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари ва функциялари ҳисобланади:

таъсирчан моддалар ва тайёр кимёвий препаратлар харид қилиш бўйича республиканинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш;

таъсирчан моддалар ва тайёр кимёвий препаратлар импорти бўйича энг рақобатбардошли таклифларни танлаб олишни таъминлаш;

тендер қатнашчилари учун тенг рақобат шарт-шароитлари яратиш, талабларнинг ягоналигини ва таклифларни баҳолашнинг холисоналигини таъминлаш;

тендерларни ўтказиш муддатлари ва шакли, тендерлар ғолиблари билан протоколларни имзолаш ва контрактлар тузиш муддатлари тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

тушган тендер таклифларини баҳолаш, тендерлар натижалари бўйича қарорлар қабул қилиш ва тендер ғолибларини аниқлаш;

Комиссияга юкланган вазифалар ва функцияларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қарорлар қабул қилиш.

III. Комиссия ишини ташкил этиш

4. Комиссия қонун ҳужжатлари ва ушбу Низом асосида фаолият кўрсатади.

5. Комиссия ўз ишлари тартибини мустақил равишда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Комиссиянинг барча қарорлари тендер комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда тендер комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг «Ўзбектендерконсалтинг» агентлиги Комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

Ишчи орган тендерларни ўтказишни амалда ташкил этишни (аризалар қабул қилишни ва уларни ҳисобга олишни, сақлашни ва махфийликни, етказиб берувчиларни малакали танлаб олишни, тушадиган таклифларни эксперт баҳолашни, хоналар ва ёрдамчи ходимлар беришни, реклама ишларини ташкил этишни, тендер комиссияси ҳужжатларини расмийлаштиришни) амалга оширади.

7. Комиссия тендер таклифларини баҳолаш учун эксперт ва консалтинг ташкилотлари вакилларини жалб этиши мумкин.

8. Комиссия тушган таклифларнинг тендер шартларига мувофиқлигини текширади ҳамда энг рақобатли нархлар, етказиб бериш, тўлов шартлари ва тендер шартларида белгиланган бошқа мезонлар бўйича импорт қилинган препаратлар ва таъсирчан моддалардан фойдаланишнинг иқтисодий, экологик ва ижтимоий омилларини ҳисобга олган ҳолда ғолибларни аниқлайди. Шунингдек тақдим этилган тендер таклифларининг қўшимча техник, ташкилий ва тижорат афзалликлари, шунингдек тендер қатнашчисининг обрўси ҳам эътиборга олиниши мумкин.

9. Комиссиянинг тендер ғолиби тўғрисидаги қарори протокол билан расмийлаштирилади. Протокол тендер комиссиясининг қатнашган аъзолари томонидан имзоланади ва тендер комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

10. Комиссия қарорлари юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ шикоят қилиниши мумкин.

11. Комиссия таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланади. Комиссия таркибига кирувчи мансабдор шахслар бошқа ишга ўтган тақдирда ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар Комиссия таркибига киритилади.

IV. Жавобгарлик

12. Тендер таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш тўғрисидаги ахборот махфий ҳисобланади ва Комиссия аъзолари мазкур ахборотнинг ошкор қилинганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 24 февралдаги 24-сон қарорига
5-ИЛОВА

Таъсирчан моддалар ва тайёр кимёвий препаратлар импорти бўйича таклифларни кўриб чиқиш ва хулосалар бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигини ўсимликларни химоя қилиш кимёвий препаратлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 31 январдаги ПҚ-272-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда тегишли хулоса берилган ҳолда Ўзбекистон Республикасида қўллаш учун рухсат берилган таъсирчан моддалар ва етишмаётган тайёр кимёвий препаратлар импорти бўйича таклифларни кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини кимёвий препаратлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, шу жумладан уларни харид қилиш самарадорлигини ошириш мазкур Низомнинг мақсади ҳисобланади.

3. Таъсирчан моддалар ва тайёр кимёвий препаратлар импорти бўйича таклифларни кўриб чиқиш ва хулосалар бериш тендер савдолари ўтказиш асосида амалга оширилади.

4. Қўйидагилар тендерлар ўтказишнинг мақсади ҳисобланади: давлат бюджети, давлат бюджетида жамланадиган бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар маблағларидан, Ҳукумат қафолати остидаги хорижий кредитлардан ва ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий воситаларини харид қилиш учун йўналтириладиган хорижий грантлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сифатли кимёвий препаратлар ва таъсирчан моддалар харид қилинишини таъминлаш.

5. Тендер харидларида иштирок этадиган Ватанимиз ишлаб чиқарувчилари (етказиб берувчилар) билан ҳисоб-китоб миллий валюта — сўмда амалга оширилади.

6. Қарорлар қабул қилишдаги очиқ-ошкоралик ва холислик, Ватанимиз ишлаб чиқарувчилари (етказиб берувчилар)нинг устуворлиги сақланиб қолган ҳолда тендерларда қатнашиш учун тенг рақобат шарт-шароитларини яратиш тендерлар ўтказиши ташкил этишнинг асосий принциплари ҳисобланади.

7. Тендер шартлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ва:

— кимёвий препаратларни ишлаб чиқариш ва харид қилиш бўйича баланснинг асосий параметрларини тасдиқлашга доир қарор;

буюртмачининг техник талаблари;

санитария-карантин, ветеринария хизматларининг йўриқнома материаллари;

— тендер мавзусига боғлиқ равишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзстандарт» агентлиги талаблари;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида қўллаш учун рухсат берилган ўсимликлар зараркунандалари, касалликларига ва бегона ўтларга қарши курашнинг кимёвий ва биологик воситалари, дефолиантлар ва ўсимликлар ўсиши регуляторлари рўйхати асосида ишлаб чиқилади.

II. Тендерларни ташкил этиш

8. Тендерлар қишлоқ хўжалиги учун таъсирчан моддалар ва тайёр кимёвий препаратларни харид қилиш бўйича идоралараро тендер комиссияси (кейинги ўринларда матнда «Тендер комиссияси» деб юритилади) томонидан ўтказилади. Тендер комиссияси тендерларни ўтказиш бўйича доимий орган ҳисобланади ва тегишли Низом асосида иш кўради.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги «Ўзбектендерконсалтинг» агентлиги тендер комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади.

III. Тендер турлари

10. Ўтказиш усулига қараб тендерлар очиқ ёки ёпиқ бўлиши мумкин. Тендерлар ўтказиш тури буюртмачи томонидан белгиланади.

11. Очиқ тендерларда барча юридик шахслар қатнашиши мумкин.

12. Ёпиқ тендерлар фавқулодда ҳолларда Вазирлар Маҳкамаси билан келишув

бўйича буюртмачи томонидан олдиндан белгиланган, таклифномалар юбориладиган ташкилотлар иштирокида ўтказилади.

IV. Тендерларни ташкил этиш ва ўтказиш босқичлари

13. Тендерни ташкил этиш ва ўтказиш қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:
тендер мавзусини белгилаш;
тендер ҳужжатларини тайёрлаш (ихтисослаштирилган техник ва тижорат маслаҳатчиларини жалб этган ҳолда);
оммавий ахборот воситаларида тендерни эълон қилиш ва/ёки тендернинг потенциал қатнашчиларига тендерда иштирок этишга таклифномалар юбориш;
тендер қатнашчиларидан тендер таклифларини қабул қилиш;
тендернинг потенциал қатнашчиларини аниқлаш;
тушган тендер таклифларини баҳолаш ва тендер қолибини аниқлаш;
тендер қолиби билан контрактни имзолаш.

V. Тендерни тайёрлаш ва у тўғрисидаги эълонни чоп этиш

14. Ишчи орган тендер (тендер савдолари) ўтказилишидан камида 30 кун олдин оммавий ахборот воситаларида тегишли ахборотни эълон қилиш орқали ва/ёки талабгорларнинг манзилига почта, телефакс орқали ёхуд бошқа шаклда расмий таклифномалар юбориш воситасида тендер тўғрисидаги ахборотни талабгорлар эътиборига етказди, бунда ҳам мамлакат ичида, ҳам чет элда энг кўп тарқалган ва ихтисослаштирилган журналлар, газеталарни танлаш мажбурий шарт ҳисобланади, ёпиқ тендерлар ўтказишда оммавий ахборот воситаларида тендер тўғрисидаги эълон чоп этилмайди.

15. Тендерлар тўғрисидаги ахборотда қўйидаги ахборотлар мавжуд бўлади:
ишчи органнинг номи;
тендер мавзуси;
мўлжалланаётган товар етказиб берилиши бажарилиши шартлари ва муддатлари;
тендерда қатнашиш учун талабгорларни олдиндан малакали танлаб олиш муддатлари;
тендер ҳужжатларини олиш мумкин бўлган тендер комиссияси ишчи органининг манзили, алоқа боғлаш телефони ва телефакси;
тендер ҳужжатлари қиймати;
тендер таклифи берилган тақдирда тендерда қатнашиш учун закат суммаси (банк кафолати);
тендер комиссияси таклифларини қабул қилишнинг охириги муддати (кун ва соат кўрсатилган ҳолда);
тўлов шартлари, закат суммасини ва тендер ҳужжатларига ҳақ тўлаш учун банк реквизитлари.

VI. Тендер ҳужжатларига қўйиладиган асосий шартлар

16. Тендер ҳужжатлари қўйидагиларни ўз ичига олади:
тендер қатнашчиси учун йўриқнома;
тендернинг техник қисми;

тендернинг тижорат қисми;
контракт проформаси.

17. Тендер қатнашчиси учун йўриқномада қўйидагилар мавжуд бўлади:

тендер комиссиясининг ишчи органи вакиллари билан алоқа қилиш учун манзил ва алоқа қилиш телефонлари, улардан тендерлар ўтказилишига доир тушунтиришлар олиш мумкин;

тендер комиссиясига юбориладиган тендер таклифи нусхалари сони тўғрисидаги кўрсатма;

тендер таклифини расмийлаштириш тартиби ва унга виза қўйишга қўйиладиган талаб;

тендер таклифи қатнашчи томонидан тендер комиссиясига тақдим этилгандан кейин тендер таклифига ўзгартиришлар киритиш ва уларни расмийлаштириш тартиби;

нарх ва валютани тақдим этишга доир кўрсатма;

тендер комиссиясига таклифларни бериш тартиб-қоидасига қўйиладиган талаб;

қайд этилган вақт мобайнида тендер қатнашчисининг таклифи қайтарилмаслигини кафолатлайдиган пул закалати (банк кафолати) миқдори, уни қўйиш ва қайтариш тартиби);

буюртмачининг хошишига кўра — тендер савдолари натижалари бўйича тузилган контрактни зарур даражада бажариш юзасидан пул кафолати (гаров шаклида) миқдори, уни қўшиш ва қайтариш тартиби;

тендер ҳужжатлари талабларига асосланган таклифлар билан биргаликда тендер қатнашчиларига қўйилиши мумкин бўлган муқобил таклифлар тўғрисидаги маълумот;

тендер қатнашчисининг асосли илтимосига кўра тендерларни ёпиш санасини кўчириш мумкинлиги ҳақидаги кўрсатма;

ўтказиладиган тендерлар доирасида тузиладиган ҳар қандай ҳужжатнинг махфийлигига ҳавола;

таклифлар билдирилган конвертларни очиш тартиб-қоидасининг тавсифи ва тендер комиссияси томонидан тендер ғолибини аниқлаш муддати.

18. Тендернинг техник қисмида харид қилинадиган товарга қўйиладиган зарур технология талаблари мавжуд бўлади.

19. Тендер ҳужжатларининг тижорат қисми қўйидагиларни ўз ичига олади:

етказиб бериш шартлари;

тўлов шартлари ва тўлов жадвали;

битишувни молиялаштириш манбаи;

20. Контракт проформаси контрактларга қўйиладиган талабларга, жумладан:

контрактнинг халқаро савдо ҳуқуқининг умумий қабул қилинган нормаларига мувофиқлигига;

контрактнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатларига мувофиқлигига жавоб бериши керак.

Битим (контракт) проформасини тузишда буюртмачи ёки ишчи орган ихтисослаштирилган консалтинг фирмаларига шартнома асосида маслаҳат сўраб мурожаат қилишга ҳақлидир.

VII. Тендер қатнашчилари

21. Тендерларда маҳсулотнинг юқори сифатини ва уни ўз вақтида етказиб беришни кафолатлайдиган, тендерда қатнашиш учун қўйиладиган шартларни бажар-

ган кимёвий препаратлар ва таъсирчан моддаларнинг эътироф этилган ишлаб чиқарувчилари ёки уларнинг расмий дилерлари қатнашиши мумкин.

22. Тендерда қатнашиш хоҳишини билдирган талабгорлар эълон берилгандан кейин тендер ҳужжатларини оладилар. Тендер ҳужжатлари ҳар бир талабгорга тўлов асосида берилади. Тендер ҳужжатларини олиш учун тўлов миқдори тендер комиссияси томонидан белгиланади. Ватанимиз ишлаб чиқарувчилари (етказиб берувчилар) учун тендер ҳужжатларини олганлик учун тўлов миқдори сўмда белгиланади.

23. Ишчи орган тушган буюртмалар ва мазкур Низом асосида талабгорларни олдиндан малакали танлаб олиш учун материалларни тўплайди ва тизимлаштиради.

VIII. Тендерда қатнашиш учун талабгорларни танлаб олиш

24. Тендер бошлангунга қадар тендерда қатнашиш учун қўйиладиган талабгорлар тендер комиссияси томонидан малакали танлаб олинади.

25. Ишчи орган томонидан амалга ошириладиган талабгорларни малакали танлаб олишда:

қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида турган;

малакали танлаб олиш учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;

илгари тузилган контрактлар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни зарур тарзда бажармаган;

тендер эълон қилингунга қадар қўпи билан 6 ой олдин таъсис этилган;

буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида бўлган;

тижорат ва молиявий кўрсаткичлар бўйича тендер комиссияси талабларига жавоб бермайдиган ташкилотлар тендерда қатнашиш учун қўйилмайди.

26. Танлаб олинган қатнашчилар рўйхати тендер комиссияси томонидан тасдиқланади.

27. Тендерда қатнашишга қўйишни рад этиш тўғрисидаги қарор тендер комиссияси томонидан қабул қилинади ва бу ҳақда ишчи орган талабгорларни ёзма шаклда хабардор қилади.

IX. Тендер ўтказиш регламенти

28. Оммавий ахборот воситаларида тендер ўтказиш тўғрисидаги эълон расман чоп этилган сана ёки почта (сана почта штемпели бўйича аниқланади), телефакс орқали ёки бошқа шаклда тендер иштирокчиси расман хабардор қилинган (таклиф этилган) сана тендер очилган сана ҳисобланади.

29. Ўтказиладиган тендерлар доирасида тендер таклифларини тайёрлаш муддати тендер комиссияси томонидан белгиланади ва тендер очилиши тўғрисидаги эълонда кўрсатилади.

30. Тендер комиссияси тендер таклифларини тақдим этиш муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Бу қарор тендернинг барча қатнашчиларига тарқатилади.

31. Ҳар бир аниқ ҳолатда тендер комиссияси тендерда қатнашиш учун талабгор томонидан қўйиладиган закатат (ёки банк кафолати)ни қўшиш тартиби, унинг миқдори ва шаклини белгилайди. Закатат миқдори хариднинг ҳисоблаб чиқилган қийматининг 1—5 фоизи миқдорида бўлишига йўл қўйилади. Закатат буюртмачининг ёки ишчи органнинг (ихтисослаштирилган ташкилот ишчи орган ҳисобланган

ҳолатда) субҳисоб рақамига қўйилади. Ватанимиз ишлаб чиқарувчилари (етказиб берувчилар)нинг закалати миллий валюта — сўмда қўйилади.

32. Тендер таклифлари фақат муҳрланган икки қаватли конвертларда қабул қилинади. Ишчи органнинг номи ва манзили кўрсатилган ташқи конвертда тендер қатнашчиси томонидан закалат қўйилганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлади. Ички конвертда тендер таклифи, савдо эълон қилинган товарнинг номи ва таклифларни қабул қилиш учун белгиланган сана тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлади. Барча ҳужжатлар рўйхатдан ўтказиш дафтарида топширувчи ва қабул қилиб олувчи шахснинг тилхати остида сана ва қабул қилиш вақти қайд этилган ҳолда қабул қилинади. Рўйхатдан ўтказиш дафтари ип ўтказиб тикилган, тартиб рақами қўйилган ва буюртмачи ёки ишчи орган (ихтисослаштирилган ташкилот)нинг гербли муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

33. Конвертларни очиш тартиб-қоидаси регламенти, уларни кўриб чиқиш ва махфийлик чора-тадбирларига риоя қилган ҳолда уларни сақлаш тартиби тендер комиссияси томонидан белгиланади.

34. Тендер комиссияси тендер буюртмаларини қабул қилишнинг сўнгги санасини, конвертларни очиш вақти ва жойини белгилайди. Кўрсатиб ўтилган санадан кейин олинган таклифлар кўриб чиқилмайди ва конвертлар очилмасдан тендер қатнашчисига қайтарилади. Агар тендер қатнашчиси кўрсатиб ўтилган санадан кейин ўзгартиришлар киритса ёки ўз таклифини қайтиб олса, закалат унга қайтарилмайди. Тендер қатнашчиси ўз таклифини тендер буюртмаларини қабул қилишнинг охири санасидан камида 5 кун олдин қайтариб олиш ҳуқуқига эгадир.

35. Тендер комиссияси мажлисини ўтказиш учун кворум унинг таркибининг 70 фоизини ташкил этади. Тендер комиссиясининг барча мажлислари ва қабул қилинган барча қарорлари баённомалар билан расмийлаштирилиши керак. Тендер қатнашчиларининг таклифлари мавжуд бўлган конвертларни очиш бевосита тендер комиссияси мажлисида амалга оширилади. Тендер комиссияси мажлисининг баённомасида тендер қатнашчилари томонидан таклиф этилган таклифларнинг тендер ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги қайд этилади.

36. Тендер таклифларини кўриб чиқиш муддати тендер комиссияси томонидан конвертлар очилган пайтдан бошлаб белгиланади. Ушбу муддат харид қилинадиган товарнинг турига боғлиқ бўлади ва 3 ойдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Таклифларни кўриб чиқишда уларнинг тендер ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги аниқланади, зарур ҳужжатлар мавжудлиги ва улар расмийлаштирилишининг тўғрилиги текширилади.

37. Тендер комиссияси тушган таклифларнинг тендер шартларига мувофиқлигини текширади ва республика шароитларида таклиф этилаётган препаратларни синаб кўришнинг ижобий натижасини ҳисобга олган ҳолда ғолибларни «нарх-сифат (самарадорлик)» принципи бўйича аниқлайди.

38. Тендерни ташкил этиш ва ўтказиш чикимлари, шунингдек эксперт ташкилотларининг хизматларига сотиб олинган тендер ҳужжатлари учун қатнашчилар томонидан қўшилган маблағлар ҳисобига ҳақ тўланади.

39. Тендер ўтказилгандан кейин буюртмачи ёки ишчи орган (ихтисослаштирилган ташкилот) қатнашчиларга (ғолибдан ташқари) уларнинг закалатларини банк операциялари ўтказиш чикимларини чиқариб ташлаган ҳолда қайтаради. Закалат тендер ғолиби эълон қилган пайтдан бошлаб белгиланган муддат мобайнида, бироқ 11 банк кунидан кечикмай қайтарилади. Тендер ғолибининг закалати қафолат ва тендер ғолиби томонидан бундай контракт шартлари зарур тарзда бажарилиши сифатида контракт шартларини бажариш тамом бўлгунга қадар тендер буюртмачисининг тасарруфида туриши мумкин.

40. Тендерда қатнашиш ҳуқуқини бошқа юридик шахсларга беришга йўл қўйилмайди.

41. Агар:

тендер ёпилиши муддати тамом бўлган пайтгача бирорта ҳам тендер таклифи тушмаса;

тендерда фақат битта қатнашчининг таклифи тақдим этилган бўлса;

тақдим этилган барча тендер таклифларида ҳужжатларнинг зарур комплекти мавжуд бўлмаса, тендерлар тендер комиссияси томонидан бўлиб ўтмаган деб эълон қилиниши мумкин.

42. Агар тушган тендер таклифларидан ҳеч бири тендер ҳужжатлари шартларига мувофиқ бўлмаса, тендер бўлиб ўтган, бироқ салбий натижалари деб ҳисобланади.

Х. Тендер таклифларини баҳолаш тартиби

43. Тендер таклифларини баҳолаш тендер комиссияси томонидан белгиланган муддат мобайнида ўтказилади. Тендер қатнашчилари ёки уларнинг вакиллари тендер таклифларини баҳолашда ҳозир бўлишга ҳақли эмас. Баҳолаш давомида тендер комиссияси тушунтиришлар олиш учун талабгорларни таклиф этиш, улардан қўшимча маълумотларни ва тасдиқномаларни сўраш ҳуқуқига эгадир. Тендер якунларини чиқаришда тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли шахслари ҳозир бўлишлари мумкин.

44. Тендер комиссияси тендер таклифларини баҳолаш учун эксперт ва консалтинг ташкилотлари вакилларини жалб қилиши мумкин.

45. Тендер қатнашчиларининг тақдим этилган таклифлари билан танишгандан кейин тендер комиссиясининг ҳар бир аъзоси асосланган ёзма хулоса ёзишга ҳақлидир.

46. Тендер ғолиби тўғрисидаги қарор тендер комиссияси томонидан қабул қилинади ҳамда таъсирчан моддалар ва тайёр кимёвий препаратларни импорт қилиш учун контракт тузишга асос ҳисобланади.

47. Тендер таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш тўғрисидаги ахборот баҳолаш тартиб-қоида-сига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Тендер комиссияси аъзолари ва жалб этилган экспертлар ушбу ахборот ошкор қилинганлиги учун жавоб берадилар.

48. Арифметик хато ёки бошқа хатолар мавжуд бўлган тақдирда тендер комиссияси тендер таклифини рад этишга ёхуд тендер доирасида тендер таклифини бундан кейин кўриб чиқиш шартларини белгилашга, бу ҳақда тендер қатнашчисини хабардор қилишга ҳақлидир.

49. Тендер таклифларини баҳолаш ва тендер ғолибини аниқлаш тендер ҳужжатларида баён қилинган мезонлар асосида амалга оширилади. Шунингдек тақдим этилган тендер таклифларининг қўшимча техник, ташкилий ва тижорат устунликлари, шунингдек тендер қатнашчисининг нуфузи ҳам эътиборга олинishi мумкин.

50. Тендер комиссиясининг баённомасида қуйидагилар ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлади:

тендер ғолиби ва тендер ғолибидан кейин энг юқори балларга эга бўлган захирадаги қатнашчилар номи;

тендер комиссияси таркиби;

овоз бериш натижалари;

тендер қатнашчилари тендер таклифларининг йиғма жадвали;

тендер қолиби билан контрактни имзолаш муддатлари.

Протокол тендер комиссиясининг ҳозир бўлган аъзолари томонидан имзоланиши ва тендер комиссияси раиси томонидан тасдиқланиши керак.

51. Агар тендер қолиби контракт тузишни рад этса, контракт тузиш ҳуқуқи биринчи захирадаги қатнашчига ўтади.

52. Агар тендер бўлиб ўтмаса ёки салбий натижали бўлса тендерни қайтадан ўтказиш мумкин.

53. Тендер ўтказиш билан боғлиқ низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

XI. Тендер натижалари бўйича контрактлар тузиш, экспертизадан ўтказиш ва уларнинг бажарилиши мониторинги

54. Тендер комиссияси мажлиси протоколининг тасдиқланган нусхалари ва тендер шартлари «Ўзбектендерконсалтинг» агентлиги томонидан тилхат остида Ўзбекистон томонидан буюртмачига ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига берилади.

55. Буюртмачи қонун ҳужжатларига, тендер шартларига ва тендер комиссияси мажлисининг протокоliga мувофиқ тендер қолиби билан контракт тузади. Контракт тузилгандан кейин қолиб умумий қабул қилинган халқаро қоидалар ва урф-одатларга мувофиқ контракт суммасининг 10 фоизигача миқдорда буюртмачи фойдасига контракт бажарилиши кафолатини тақдим этиши шарт (перфоманс бонд).

56. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги қонун ҳужжатларига, тендер шартларига ва тендер комиссияси мажлиси протокоliga мувофиқ контрактни экспертизадан ўтказди.

57. Тендер қолиби томонидан қабул қилинган контракт мажбуриятлари бажарилиши мониторингини олиб бориш «Ўзбектендерконсалтинг» агентлиги томонидан амалга оширилади. Тендер контрактлари бажарилиши устидан назорат қилиш буюртмачи томонидан «Ўзбектендерконсалтинг» агентлигига тақдим этиладиган маълумотлар асосида тендер комиссияси томонидан амалга оширилади.

58. Тендерларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

XII. Жавобгарлик

59. Қуйидагилар:

ишчи орган таркибига кирадиган шахслар — тушган тендер таклифларининг ҳисобга олиниши, сақланиши ва махфийлиги;

тендер комиссияси раиси ва аъзолари — ахборот ошкор қилинганлиги, тендер қатнашчилари, тендер комиссиясининг қолган аъзолари ва жалб этилган экспертлар билан битишувга йўл қўйилмаслиги, шунингдек бошқа ҳуқуққа зид хатти-харакатлар учун қонунда назарда тутилган тарзда жавоб берадилар.

60. Контрактни миқдор, сифат ва техник параметрлар бўйича бажармаган тендер қолиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тарзда жавоб беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

55 **Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Электр энергияси етказиб берувчилар ва истеъмолчилар муносабатларини тартибга солишнинг бозор механизмларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги 32-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 1-сон, 4-модда) билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

140-банднинг бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«электр энергиясининг тегишли миқдори учун олдиндан тўлов амалга оширилган тақдирда электр энергиясининг шартномавий миқдорини ўзгартириш. Бундай талабнома назарда тутилаётган ўзгартиришлардан (жорий ой тугашидан) 10 кундан кечикмай берилиши лозим»;

141-банд қуйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ беш кун муддатда ойлик шартномавий миқдорга ўзгартиришлар киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) имконияти бўлмаган тақдирда эса — бу тўғрисида истеъмолчига рад этишнинг сабабини кўрсатган ҳолда ёзма шаклда хабар қилиш»;

141-банднинг саккизинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Электр энергиясини узиб қўйиш техноген ва авария оқибатларига олиб келиши мумкин бўлган ўта хавfli ва узлуксиз технологик жараёнли саноат корхоналарининг муддати ўтган қарздорлиги пайдо бўлган ҳолларда, тўламаганлик учун электр энергияси узатишни чеклаш энергия таъминотининг технологик ва авария брони миқдоригача, тўлиқ узиб қўйиш эса — фақат суд қарорига кўра амалга оширилиши мумкин».

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 24 февраль,
32-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**56 Давлат улушларини бошқариш бўйича хизматларга
ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш
ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
18 февралда 1262-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 28 февралдан кучга киради)

Устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган хўжалик жамиятларининг давлат улушларини бошқариш бўйича хизмат ҳақларини тўлаш билан боғлиқ харажатларни тартибга солиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат мулкни бошқариш Давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қуватлаш Давлат қўмитасининг 2003 йил 16 июлдаги 86, 01/06-7-сонли қарори билан (2003 йил 1 август, рўйхат рақами 1262 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 йил 15-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил 15-сон 180-бет.) тасдиқланган, Давлат улушини бошқариш бўйича хизматларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтгандан сўнг ўн кун муддатда кучга киради.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 25 январь,
7-сон

Давлат мулкни бошқариш Давлат қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 25 январь,
01/06-18/01-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
«ЎЗДАВЭНЕРГОНАЗОРAT» БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

57 **Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақ-
симлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
18 февралда 1546-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 28 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 96-сонли қарори билан таасдиқланган «Электр энергетикада назорат бўйича («Ўздав-энергоназорат») давлат инспекцияси тўғрисидаги низомга асосан **бююраман:**

1. Илова* қилинаётган «Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақ-симлаш қоидалари» тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.
3. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

+

**Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси
«Ўздавэнергоназорат» бошлиғи Б. ҒУЛОМОВ**

-

Тошкент ш.,
2005 йил 26 декабрь,
232-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ MАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

58 Мижозларга ҳисобварақлар очиш, уларнинг ҳисобварақларига пул маблағларини ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш, иш ҳақи ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул маблағларини беришнинг ўрнатилган тартибларини бузганликлари учун тижорат банкларига жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
21 февралда 1044-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 3 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тўловлар тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 22 июндаги 264-сон қарорига қўшимча киритиш ҳақида» 2006 йил 7 февралдаги 18-сонли қарорига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Мижозларга ҳисобварақлар очиш, уларнинг ҳисобварақларига пул маблағларини ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш, иш ҳақи ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул маблағларини беришнинг ўрнатилган тартибларини бузганликлари учун тижорат банкларига жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисида низомга (2001 йил 30 июнь, рўйхат рақами 1044 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2001 йил, 12-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 15 февраль,
4/4-сон

Марказий банк Бошқарувининг
2006 йил 15 февралдаги 4/4-сонли
қарорига
ИЛОВА

Мижозларга ҳисобварақлар очиш, уларнинг ҳисобварақларига пул маблағларини ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш, иш ҳақи ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул маблағларини беришнинг ўрнатилган тартибларини бузганликлари учун тижорат банкларига жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисида Низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Низомнинг 1-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тўловлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 22 июндаги 264-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 22 июндаги 264-сон қарорига қўшимча киритиш ҳақида» 2006 йил 7 февралдаги 18-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган».

2. 6-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«6. Қонунчиликда ўрнатилган миқдорлар ҳисобварақларига пулларни ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш тартибини бузганлик учун, электрон тўловларни амалга оширишнинг ва хато амалга оширилган электрон тўловларни қайтаришнинг ўрнатилган муддатларини бузишни истисно этган ҳолда, банк устав капиталининг энг кам миқдорининг 0,1 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Электрон тўловларни амалга оширишнинг қонун ҳужжатларида ўрнатилган муддатлари банк томонидан бузилган тақдирда, у миқдорга кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган электрон тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, лекин кечиктирилган электрон тўлов суммасининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлаши шарт.

Банкнинг айби билан электрон тўлов нотўғри амалга оширилган тақдирда, у маблағни хатолик аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан олувчининг ҳисобварағига ўтказиши шарт. Акс ҳолда, миқдор банкдан маблағларни қайтаришни, шунингдек, кечиктирилган ҳар бир кун учун нотўғри амалга оширилган электрон тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, лекин нотўғри амалга оширилган электрон тўлов суммасининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлашни қонунда белгиланган тартибда талаб қилиш ҳуқуқига эга».

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ БОШ
ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

59 Ўзбекистон Республикасида радиоалоқадан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
21 февралда 1547-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 3 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Радиочастоталар спектри тўғрисида»ги Қонуни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 июлдаги «Частота спектридан фойдаланиш, телерадиодастурларни шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотлар узатиш самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 293-сон, 2004 йил 7 майдаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 215-сон қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикасида радиоалоқадан фойдаланиш Қоидалари иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтганидан ўн кун кейин кучга кирган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ кучга кирган кундан бошлаб амалдаги ЎзПТАнинг 1999 йил 28 июль 278-сон буйруғи билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида (1999 йил 5 июль, 764-сон билан) рўйхатдан ўтган Ўзбекистон Республикасида радиоалоқадан фойдаланиш Қоидалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Бош директор ўринбосари М.М. Сангилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош
директори А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 6 февраль,
35-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

60 Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъект-
ларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Тадбир-
корбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш
тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
21 февралда 1548-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 3 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги ПФ-1987-сонли «Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2003 йил 23 декабрдаги ПФ-3367-сонли «Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 2002 йил 25 январдаги 33-сонли «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Илова қилинаётган «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

3. Мазкур қарор кучга кирган кундан бошлаб қуйидаги қарорлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Молия вазирлигининг «Тижорат банклари томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш тартиби тўғрисида низом» (янги таҳрири)ни (2001 йил 3 октябрь, рўйхат рақами 1074 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2001 йил, 19-сон) тасдиқлаш тўғрисидаги 2001 йил 14 сентябрдаги 203-В, 108-сонли қарор;

«Тижорат банклари томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш тартиби тўғрисида низом»(янги таҳрирда)га ўзгартиришларни тасдиқлаш тўғрисидаги (2003 йил 25 сентябрь, рўйхат рақами 1074-1 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 йил, 17-18-сон) 2003 йил 12 сентябрдаги 203-В-1, 108-сонли қарор;

«Тижорат банклари томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш тартиби тўғрисида Низом»га қўшимча ва ўзгартиришларни тасдиқлаш тўғрисидаги (2004 йил 7 апрель, рўйхат рақами 1074-2 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ушжатлари тўплами, 2004 йил, 14-сон, 175-модда) 2004 йил 24 январдаги 203-В-2, 24-сонли қарор;

«Тижорат банклари томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар, кичик бизнес

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

субъектларини бюджетдан ташқари жамғармаларининг кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низом»га ўзгартиришни тасдиқлаш тўғрисидаги (2004 йил 13 декабрь, рўйхат рақами 1074-3 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 50-сон, 503-модда) 2004 йил 29 ноябрдаги 203-В-3, 128-сонли қарор.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 31 декабрь,
273-В-сон

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 31 декабрь,
111-сон

Марказий банк Бошқаруви ва
Молия вазирлиги томонидан
2005 йил 31 декабрдаги 273-В, 111-сонли
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига
бюджетдан ташқари жамғармалар ва Тадбиркорбанк кредит
линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги ПФ-1987-сонли «Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2003 йил 23 декабрдаги ПФ-3367-сонли «Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги 33-сонли «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда Тадбиркорбанкнинг кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:
микрофирма — банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони ишлаб чиқариш тармоқларида йигирма кишидан; хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида ўн кишидан; улгуржи ва чакана ҳамда савдо умумий овқатланиш тармоқларида беш кишидан ошмайдиган корхона;
кичик корхона — банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони:

енгил ва озиқ-овқат саноатида, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғоч-созлик, мебель саноати ҳамда қурилиш материаллари саноатида юз кишидан;

машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларида эллик кишидан; фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида йигирма беш кишидан ошмайдиган корхона;

деҳқон хўжалиги — оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирадиган ва реализация қиладиган, юридик шахсни ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда фаолият юритадиган оилавий майда товар хўжалиги;

фермер хўжалиги — юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи мустақил хўжалик юритувчи субъект;

бюджетдан ташқари жамғармалар — Иш билан таъминлашга қўмаклашиш давлат жамғармаси, Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда собиқ «Бизнес Фонд»га қарашли кредит линияларини АТ «Тадбиркорбанк»га қайтарилиши натижасида шаклланадиган АТ «Тадбиркорбанк» (қуйида — Тадбиркорбанк) имтиёзли кредит ресурслари;

бюджетдан ташқари жамғарма кредит линияси — бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда Тадбиркорбанк томонидан кичик бизнес субъектларини мақсадли асосда кредитлаш учун тижорат банкларига, уларнинг балансида унинг суммасини акс эттирган ҳолда, ажратиладиган маблағлар.

2. Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўзгарган тақдирда бюджетдан ташқари жамғармалар, шу жумладан, Тадбиркорбанкнинг кредит линияси учун ҳисобланадиган фоиз миқдори ҳамда кичик бизнес субъектларига берилган микрокредитлар ва лизинг хизмати учун ҳисобланадиган фоиз ставкалари ҳам мос равишда ўзгаради.

Мазкур талаб бюджетдан ташқари жамғармалар, шу жумладан Тадбиркорбанк билан тижорат банклари ўртасида тузиладиган кредит линияси очиш тўғрисидаги кредит шартномасида, шунингдек, тижорат банки ва кичик бизнес субъектлари ўртасида ушбу кредит линияси ҳисобидан кредит бериш ҳамда лизинг компаниялари ва кичик бизнес субъектлари ўртасида тузиладиган лизинг шартномасида белгилаб қўйилган бўлиши лозим.

3. Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар қуйидаги мақсадларга берилиши мумкин эмас:

илгари олинган кредитларни ёки ҳар қандай бошқа қарзларни қайтаришга;

тамаки ва алкоғолли ичимликлар ишлаб чиқаришга;

савдо-воситачи корхоналар айланма маблағларини шакллантиришга;

савдо объектларини қуришни молиялашга, аҳолига ҳар хил ўйинлар кўринишидаги хизматларни кўрсатиш ва улар учун ускуналар сотиб олишга, қимор ўйинларини ташкил этишга;

ишлаб чиқариш мақсадлари учун ишлатилмайдиган шахсий мулкни сотиб олишга;

маъмурий харажатларни тўлашга, шу жумладан, хизмат автомобиллари таъминотига;

идора учун мебель сотиб олишга, уяли телефон, пейжер сотиб олишга, алоқа хизматлари учун тўловга.

**II. Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларга дастлабки
(бошланғич) сармояни шакллантиришга микрокредитлар бериш ва
қайтарилишининг шартлари**

4. Дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга микрокредитлар собик «Бизнес-Фонд»га тегишли кредит линиялари маблағларини Тадбиркорбанкка қайтарилиши натижасида шаклландиган имтиёзли кредит ресурслари ҳамда Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан берилади.

5. Дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга микрокредитлар фақат янгидан очилган ва давлат рўйхатидан ўтказилган кундан 6 ойдан ошмаган давр мобайнида кредит олиш учун тегишли хизмат кўрсатувчи банкка буюртма берган юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликлари, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг фаолиятини бошлаш учун айланма маблағларни шакллантиришга, инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асосланишини ишлаб чиқишга, асбоб-ускуналар сотиб олиш учун берилади.

Ушбу микрокредитларни олишда ходимларининг 50 фоизидан ортиғини ногиронлар, шу жумладан Кўзи ожизлар жамияти аъзолари ташкил этган кичик бизнес субъектлари устуворликка эга бўладилар.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар устав капитали шаклландан кейин ташкил этилишлари муносабати билан уларга ушбу микрокредитлар берилмайди.

6. Дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга микрокредитлар юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликлари ва микрофирмаларга энг кам ойлик иш ҳақининг 150 бараваригача миқдорда ҳамда кичик корхоналар ва фермер хўжаликларига энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараваригача бўлган миқдорда берилади.

7. Дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга микрокредитлардан фойдаланганлик учун фоиз миқдори Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 1/6 қисмини ташкил этади.

8. Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредитлар қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз 3 йилгача бўлган муддатга берилади.

Дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантириш учун берилган микрокредитлар бўйича фоизлар ушбу кредитлар берилган кундан бошлаб ҳисобланади ва 12 ой муддат ўтгач ундирилади.

Мазкур микрокредитлар учун ҳисобланган фоизлар дастлабки 12 ой давомида тижорат банклари даромад (фойда) солиғи ҳисоблаш базасига киритилмайди.

9. Тадбиркорбанк кредит линияси маблағлари ҳисобидан Тадбиркорбанкнинг ўз миқдорларига дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга берилган кредитлар учун ҳисобланган фоизлар банкнинг ихтиёрида қолдирилади ва унинг балансида ўрнатилган тартибда акс этирилади.

10. Кичик бизнес субъектлари томонидан дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга микрокредитлар беришни сўраб уларга хизмат кўрсатувчи банкларга мазкур Низомнинг 60-бандида келтирилган ҳужжатлар тақдим этилади.

**III. Акциядорлик-тижорат Тадбиркорбанкнинг кредит линиялари
ҳисобидан лизинг компанияларига лизингни амалга ошириш учун
кредит линиялари очиш тартиби**

11. Тижорат банклари томонидан собиқ «Бизнес-Фонд»га тегишли кредит линиялари маблағларини Тадбиркорбанкка қайтарилиши натижасида шаклландиган имтиёзли кредит ресурсларининг бир қисми кичик бизнес субъектларига имтиёзли лизинг хизматлари кўрсатиш мақсадларида фойдаланиш учун лизинг компанияларига кредит линияларини очишга йўналтирилади.

12. Тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган кичик бизнес субъектларига имтиёзли лизинг хизмати кўрсатилади. Бунда лизинг фоиз ставкаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдоридан белгиланади, унинг ½ қисми Тадбиркорбанк маржасини ташкил этади.

13. Лизинг компаниялари Тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларига фақат саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги соҳасига хизмат кўрсатувчи муқобил машина-трактор паркларига техника ва ускуналарни лизинг асосида етказиб бериш учун имтиёзли лизинг хизмати кўрсатишда фойдаланишлари мумкин. Бунда ходимларининг 50 фоизидан ортигини ногиронлар, шу жумладан, Кўзи ожизлар жамияти аъзолари ташкил этувчи кичик бизнес субъектлари лизинг хизматини олишда устуворликка эга бўладилар.

14. Кредит линияларини очиш учун Тадбиркорбанк билан лизинг компанияси ўртасида кредит шартномаси тузилади. Кредит шартномасида очиладиган кредит линиясига хизмат кўрсатишнинг асосий шартлари, имтиёзли фоиз ставкаси миқдори, лизинг компанияси маржаси, Тадбиркорбанк билан лизинг компанияси ўртасидаги ўзаро мажбуриятлар белгиланади.

15. Тадбиркорбанк бир ёки бир нечта лизинг компанияси билан кредит линиясини очиш тўғрисида шартнома тузиш ҳуқуқига эга.

16. Тадбиркорбанк билан лизинг компанияси ўртасида тузиладиган кредит шартномасида қуйидаги шартлар белгиланиши лозим:

кредит линияси суммаси;

ажратилаётган кредит линияси ҳисобига лизинг операцияларини амалга оширишга маблағлар ажратишнинг чораклар ва вилоятлар бўйича тақсимоли;

лизинг компанияси маржаси чегириб ташланган ҳолдаги имтиёзли фоиз ставкаси;

кредит линияси маблағларини лизинг компанияси томонидан мақсадли ишлатилиши устидан мониторингни амалга ошириш тартиби.

17. Тадбиркорбанк томонидан лизинг компанияларига кредит линияси очиш учун тақдим этилган маблағларининг ҳисоби кредит линияси муддатига мос равишда очиладиган 15401 — «Банк бўлмаган молиявий муассасаларга бериладиган узок муддатли кредитлар» ҳисобварағида юритилади.

18. Тадбиркорбанк томонидан лизинг компанияларига кичик бизнес субъектларига лизинг хизмати кўрсатиш мақсадида очилган кредит линияларидаги маблағлар ҳисоби лизинг компанияларининг балансида қонунчиликда белгиланган тартибда юритилади.

19. Лизинг хизмати кўрсатиш учун очилган кредит линиялари маблағлари учун фоизлар тўлови кредит линиясига маблағлар ўтказиб берилган куннинг эртасидан бошлаб ҳисобланади ва унинг тўлови ҳар ойда амалга оширилади.

20. Лизинг компаниялари Тадбиркорбанк кредит линияси маблағларининг кредит шартномасида белгиланган муддатларда ишлатилмаган қисмига кредит шартномаси шартларига мувофиқ Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкаси микдорида фоиз тўлайдилар.

21. Ушбу Низомнинг 13-бандида кўрсатилган мақсадлардан ташқари бошқа мақсадлар учун лизинг хизмати кўрсатилиши кредит линияси маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш деб баҳоланади ва у Тадбиркорбанк ва лизинг компанияси ўртасидаги кредит линияси очиш шартномасида белгиланган чораларни кўриш учун асос ҳисобланади.

22. Тадбиркорбанк билан лизинг компаниялари ўртасида кейинги кредит линиялари очилганда янги кредит линияларининг суммалари кўрсатилган ҳолда қўшимча кредит шартномаси расмийлаштирилади.

23. Кредит линиясининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин лизинг компанияси Тадбиркорбанкка кредит линияси маблағларини, тўланмаган фоизлар қолдиғини қўшиб ҳисоблаган ҳолда, лизинг олувчи томонидан лизинг тўловларини ҳақиқатда қайтарилишидан қатъи назар, кредит шартномасида белгиланган муддатларда қайтариб бериши шарт.

24. Лизинг компаниялари Тадбиркорбанк кредит линияларини ўзлаштиришнинг аҳволи тўғрисида ҳар чоракда Тадбиркорбанкка, лизинг хизмати кўрсатилган кичик бизнес субъектлари рўйхатини илова қилган ҳолда, ахборот тақдим этадилар. Ушбу ахборотлар маълумотлари бўйича ҳар чоракда лизинг компанияси билан Тадбиркорбанк ўртасида маблағларни ишлатишни солиштириш далолатномалари тузилади.

IV. Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси кредит линиялари ҳисобидан оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар бериш тартиби

25. Оилавий тадбиркорлик жисмоний шахсларнинг юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга ошириладиган биргаликдаги фаолияти бўлиб, эр-хотин томонидан уларга биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган умумий мол-мулк негизида амалга оширилади. Оилавий тадбиркорлик эр-хотиннинг ва уларга кўмаклашадиган оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади.

26. Оилавий тадбиркорлик субъекти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эр-хотиндан қайсисининг номига рўйхатга олинган бўлса, у оилавий тадбиркорлик субъекти номидан ишни олиб боради.

27. Якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатига олиш вақтида бериладиган гувоҳномада якка тартибдаги тадбиркорлик оилавий тадбиркорлик шаклида амалга оширилиши кўрсатилади. Якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатига олинганлиги ҳақидаги Гувоҳномада тадбиркорлик фаолияти оилавий тадбиркорлик шаклида юритилиши тўғрисида ёзув бўлмаган ҳолларда, оилавий тадбиркорлик субъекти бошлиғи рўйхатга олувчи органга ушбу гувоҳноманинг «Изоҳлар» графасига бу ҳақда белги қўйиш учун мурожаат қилиши мумкин. Ушбу белгини қўйиш ариза асосида амалга оширилади.

28. Микрокредит олиш учун аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қуйидаги қатламлари устуворликка эга бўладилар:

кам таъминланган оилалар;

таркибда ногиронлар, шу жумладан, Кўзи ожизлар жамияти аъзолари, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар билан оғриган шахслар бўлган оилалар;

таркибида икки ва ундан ортиқ иш билан банд бўлмаган аъзолари мавжуд оилалар;

боқувчисини йўқотган оилалар.

29. Оилавий тадбиркорлик субъектларини мазкур Низомнинг 28-бандида кўрсатилган оилаларга киритиш фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан оилаларни кўздан кечириш натижаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади ва микрокредит олиш учун тижорат банкига тақдим қилиш учун белгиланган тартибда маълумотнома берилади.

30. Оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар тижорат банклари томонидан Бандлик жамғармаси кредит линияси ҳисобидан берилади. Тижорат банкларида кредит линияси очиш учун банк ва Бандлик жамғармаси ўртасида Бош келишув тузилади, унда ўзаро мажбуриятлар ва очилаётган кредит линиясига хизмат кўрсатишнинг асосий шартлари, оилавий тадбиркорлик субъектларининг кредитланаётган лойиҳаларига талаблар белгиланади.

31. Бандлик жамғармаси томонидан тижорат банкларида кредит линияларини очиш, кредит ресурсларидан фойдаланганлик учун фоизлар ҳисоблаш ва тўлаш, кредит ресурсларини қайтариш ва уларнинг ўзаро жавобгарликлари ушбу Низомнинг VI-VII-бўлимларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда Бандлик жамғармаси томонидан оилавий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш учун ажратилган кредит ресурслари Бандлик жамғармаси кредит ресурслари умумий миқдорининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

32. Оилавий тадбиркорлик субъектларига бериладиган микрокредитлар миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 150 бараваригача бўлган миқдорини ташкил этади ва улар 2 йилгача муддатга, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз берилади.

33. Оилавий тадбиркорликни ташкил этиш учун микрокредитлардан фойдаланганлик учун фоиз миқдори Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 1/6 қисмини ташкил этади.

34. Микрокредитларни қайтариш, 6 ойлик имтиёзли даврни кўзда тутган ҳолда, оилавий тадбиркорлик субъекти бошлиғи ва тижорат банки ўртасида тузиладиган кредит шартномасида белгиланган муддатларда амалга оширилади. Асосий қарзни қайтариш ва ҳисобланган фоизларни тўлаш кредит шартномасига илова қилинган жадвалга мувофиқ амалга оширилади.

35. Оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан уларга хизмат кўрсатувчи банкларга микрокредитлар беришни сўраб мазкур Низомнинг 59-бандида келтирилган ҳужжатлар тақдим этилади.

V. Тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва фаолиятини ривожлантириш мақсадлари учун микрокредитлар бериш тартиби

36. Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари ҳисобидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва фаолиятини ривожлантириш мақсадлари учун микрокредитлар Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган кичик бизнес субъектларига берилиши мумкин. Бунда ходимларининг 50 фоизи ва ундан ортиғини ногиронлар, шу жумладан, Кўзи ожизлар жамияти аъзолари ташкил этган кичик бизнес субъектлари, ушбу кредит линиялари ҳисобидан микрокредит олишда устуворликка эга бўладилар.

Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан кредитлар кичик

бизнес субъектларига уларнинг намунавий ёки якка тартибда ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳаларига ҳамда товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси билан боғлиқ бўлган харажатларини молиялашга берилади.

37. Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан юридик шахс мақомига эга бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларига 5000 АҚШ доллари эквивалентидан ҳамда юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига 10000 АҚШ доллари эквивалентидан кўп бўлган миқдорда кредитлар берилишига йўл қўйилмайди.

38. Бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва фаолиятини ривожлантириш мақсадлари учун кичик бизнес субъектларини микрокредитлаш банк маржаси қўшиб ҳисобланадиган имтиёзли фоиз ставкаси асосида амалга оширилади. Ушбу микрокредитларга доир имтиёзли фоиз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасига нисбатан қатъий фоизларда белгиланади.

39. Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари ҳисобидан бериладиган ушбу микрокредитлар учун имтиёзли фоиз ставкаси кредитланаётган инвестиция лойиҳаларнинг йўналишидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги миқдорларда белгиланади:

деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ва кенгайтириш, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олиш, фермерлик иншоотларини қуриш, чорвачилик, паррандачиликни ривожлантириш учун микрокредитлар Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 1/3 қисми миқдорида;

бевосита ишлаб чиқариш соҳаси, яъни маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хом ашё ва материалларни тубдан қайта ишлаш, хунармандчиликни ривожлантириш, касачилик меҳнатини ташкил этиш, бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш ва қурилиш мақсадлари учун микрокредитлар Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 40 фоизи миқдорида;

аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, туризм соҳасини ривожлантириш мақсадлари учун микрокредитлар Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 45 фоизи миқдорида.

Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан берилаётган ушбу микрокредитлар бўйича банк маржаси имтиёзли фоиз ставкасининг 50 фоизи миқдорида белгиланади. Бунда банк маржаси ўрнатилган имтиёзли фоиз ставкалари миқдорининг ошишига олиб келмайди.

40. Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари томонидан микрокредитдан фойдаланганлик учун фоизлар, имтиёзли давр белгиланган микрокредитларни истисно қилган ҳолда, ушбу кредит линиялари очилган кундан бошлаб ҳисобланади ва ундирилади.

Имтиёзли давр ўрнатилиб берилган микрокредитлар бўйича фоизлар улар берилган кундан бошлаб ҳисобланади ва имтиёзли давр тугаганидан кейин ундирилади.

41. Деҳқон ва фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишга бериладиган микрокредитлар, қоида тарикасида, 2 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан бериладиган бошқа барча микрокредитлар 3 йилгача бўлган муддатга берилади.

42. Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг қайтариш муддатини узайтиришга рухсат берилмайди.

43. Бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан очилган кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш ва улар бўйича имтиёзли давр белгилаш шартлари бюджетдан ташқари жамғармаларнинг ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган низомларида белгилаб қўйилган қоидалардан келиб чиққан ҳолда, тижорат банки ва бюджетдан ташқари жамғарма ўртасида тузиладиган Бош келишувда белгилаб олинади.

44. Кичик бизнес субъектлари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан ўз ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва фаолиятини ривожлантириш мақсадлари учун микрокредитлар беришни сўраб, уларнинг ташкилий ҳуқуқий шаклидан келиб чиққан ҳолда, мазкур Низомнинг 59 ва 60 бандларида келтирилган ҳужжатлар тақдим этилади.

VI. Бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан тижорат банкларида кредит линияларини очиш тартиби

45. Кредит линиясини очиш учун бюджетдан ташқари жамғарма, шу жумладан, Тадбиркорбанк ва Бош банк ўртасида Бош келишув тузилади. Бош келишувда бюджетдан ташқари жамғарма ва Бош банк ўртасида очиладиган кредит линиясига хизмат кўрсатишнинг асосий шартлари бўйича ўзаро мажбуриятлар, инвестиция лойиҳаларга бўлган асосий талаблар, инвестиция лойиҳаларнинг ўз-ўзини қоплаш муддатлари билан боғлиқ ҳолда кредитлаш муддатлари, имтиёзли давр бериш шартлари, имтиёзли фоиз ставкаси, банк маржаси, банкларнинг вилоят ва туман бўлимлари томонидан кредитлар бериш борасида ўрнатиладиган лимит (чегара) лар ва бошқа шартлар белгилаб олинади.

46. Бюджетдан ташқари жамғармалар бир ёки бир неча тижорат банклари билан кредит линиясини очиш тўғрисида Бош келишувларни тузишлари мумкин. Шунингдек, тижорат банклари ҳам бир неча бюджетдан ташқари жамғармалар билан шундай келишувларни тузишга ҳақли.

47. Дехқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан очилган кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар фақат Фермер хўжаликлари уюшмаси аъзоларига ҳамда дехқон хўжаликларига, бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан очилган кредит линиялари ҳисобидан кредитлар эса барча кичик бизнес субъектларига маълум муддатлилик, қайтаришлик ва тўловлилик таъминлари асосида берилди.

48. Бюджетдан ташқари жамғарма ва бош тижорат банки ўртасида Бош келишув имзоланганидан кейин, улар ўртасида кредит линияси очиш тўғрисида кредит шартномаси тузилади. Шунингдек, кредит линиялари очиш учун кредит шартномалари тижорат банкларининг вилоят бўлимлари, агар уларга Бош банк томонидан ушбу ваколат берилган бўлса, ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг вилоят бўлинмалари ўртасида ҳам тузилиши мумкин.

49. Бош банк билан тузиладиган кредит линияси очиш тўғрисидаги кредит шартномасига қуйидаги шартлар киритилган бўлиши лозим:

бир йиллик кредит линиясининг, унда дастлабки (бошланғич) сармойни шакллантиришга бериладиган кредитлар учун ажратилган қисмини алоҳида кўрсатган ҳолда ҳамда чораклар ва вилоятлар бўйича бўлинган ҳолдаги миқдори;

банк маржаси чегирилган имтиёзли фоиз ставкаси;

кредит линиялари маблағлари йўналтириладиган мақсадлар;

берилган кредитларнинг мақсадли ишлатилиши устидан назоратни амалга ошириш тартиби.

50. Бюджетдан ташқари жамғарма томонидан тижорат банкига кредит бериш тўғрисидаги кредит шартномасида ушбу маблағлар банк томонидан кичик бизнес субъектлари инвестиция лойиҳаларини молиялаш (оилавий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш, дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантириш ёки бошқа) мақсадларига кредит беришда кредит ресурслари сифатида ишлатилиши алоҳида қайд этилади.

51. Кредит шартномаси имзоланганидан кейин бюджетдан ташқари жамғарма ҳар ойнинг 15-санасидан кечиктирмай кредит линияси суммасини тижорат банкининг вакиллик ҳисобварағига ўтказди.

52. Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар 22005 — «Бюджетдан ташқари жамғармалардан олинган узоқ муддатли кредитлар» баланс ҳисобварағида ҳисобга олинади.

53. Банклар очилган кредит линияси суммасига Бош келишувда белгилаб қўйилган банк маржаси чегирилган ҳолдаги имтиёзли фоиз ставкаси миқдоридида фоизлар ҳисоблайди. Мазкур ҳисобланган фоизлар алоҳида ҳисобварақда жамланади ва кредит шартномасида келишиб олинган муддатларда бюджетдан ташқари жамғарманинг банк ҳисобварағига ўтказиб берилади.

54. Кейинги кредит линияларини очиш учун бюджетдан ташқари жамғарма ва тижорат банки ўртасида кредит шартномасига янги кредит линиялари суммаси кўрсатилган қўшимча келишув имзоланади.

55. Кредит линиясининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин Бош банк бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағларини уларни қарздорлар томонидан амалда қайтарилишидан қатъий назар, ҳисобланган фоизларини қўшган ҳолда, бюджетдан ташқари жамғарманинг банк ҳисобварағига қайтариши шарт.

Дехқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан кредит линияси очиш учун берилган маблағлар, агар у мазкур кредит бўйича кафил сифатида иштирок этган бўлса, банк қарздорлар томонидан ушбу кредитнинг қайтарилмаган қисмига тенг миқдорини чегириб ташлаган ҳолда, мазкур маблағларни унинг банк ҳисобварағига қайтариб бериши шарт.

56. Бюджетдан ташқари жамғарма унинг кредит линиялари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига берилган микрокредитлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш мақсадида тижорат банкининг ўзида кредит йиғма жилдларини ўрганиш ҳамда тижорат банкининг вакили билан биргаликда, жойларга чиққан ҳолда текшириш ҳуқуқига эга. Ушбу текширишлар натижасида берилган кредитлардан мақсадли фойдаланилмаётганлиги аниқланган ҳолда, бюджетдан ташқари жамғарма тижорат банкидан кредит линиясининг мақсадсиз ишлатилган қисмини муддатидан олдин қайтаришини талаб қилишга ҳақли. Тижорат банки бюджетдан ташқари жамғарманинг ушбу талабини банк ва бюджетдан ташқари жамғарма ўртасида тузилган кредит шартномасида белгиланган шартлар асосида бажаришга мажбурдир.

57. Тижорат банклари бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линияларини ўзлаштириш ҳолати тўғрисида ҳар чоракда бюджетдан ташқари жамғармаларга ва ҳар ойда Марказий банкка, ушбу кредитларни олган кичик бизнес субъектлари реестрини илова қилган ҳолда, ҳисобот тақдим этадилар. Ушбу ҳисоботлардаги маълумотлар асосида ҳар чоракда банк ва бюджетдан ташқари жамғарма ўртасида маблағларнинг ишлатилиши ҳақида ўзаро солиштирув далолатномаси тузилади.

VII. Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан кредит бериш тўғрисидаги кичик бизнес субъектларининг буюртмаларини тижорат банклари томонидан кўриб чиқиш тартиби

58. Кичик бизнес субъектлари бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан кредит олиш учун ўзларига хизмат кўрсатувчи банкка мурожаат қилишлари лозим.

Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан кредитлар олиш ҳақидаги буюртмада бюджетдан ташқари жамғарма номи ва сўралаётган кредит суммаси кўрсатилади.

59. Якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликлари томонидан микрокредитлар олиш учун банкка қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

микрокредит олиш учун кредит буюртмаси;

пул оқими таҳлили мажбурий тарзда кўрсатилган бизнес-режа;

микрокредитнинг қайтарилиш таъминоти.

60. Юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари томонидан микрокредитлар олиш учун банкка қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

микрокредит олиш учун кредит буюртмаси;

пул оқими таҳлили мажбурий тарзда кўрсатилган бизнес-режа;

охирги ҳисобот санасига Давлат солиқ хизматининг маҳаллий (туман) идораси томонидан тасдиқланган бухгалтерлик баланси (1-шакл), дебиторлик ва кредиторлик қарзи ҳақидаги маълумотнома (2а-шакл), шунингдек, 90 кундан ортиқ муддатдаги қарздорликни солиштириш далолатномалари, молиявий натижалари ҳақида ҳисобот (2-шакл), деҳқон хўжаликлари ушбу ҳисоботларни тақдим этмайдилар;

микрокредитнинг қайтарилиш таъминоти.

61. Олинган микрокредитни қайтармаслик хатарининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи тез ва эркин сотилиш талабларига жавоб берадиган таъминотга эга бўлиши керак. Қарз олувчи банкка қўйидаги таъминот турларининг бирини ёки бир нечтасини тақдим этиши мумкин:

мулк ёки қимматли қоғозлар гарови;

банк ёки суғурта ташкилоти кафолати;

учинчи шахснинг кафиллиги;

суғурта компаниясининг қарз олувчининг кредитни қайтара олмаслик хатарини суғурта қилингани тўғрисидаги суғурта полиси.

Кредит ҳисобига сотиб олинган мулк, унинг қийматининг 80 фоизи миқдорда мазкур кредит бўйича гаров предмети бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Маҳалла, қишлоқ, овул фуқаролар йиғинлари кенгашининг кафиллиги оилавий тадбиркорлик субъектларига берилган микрокредит бўйича таъминот бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бунда, маҳалла, қишлоқ, овул фуқаролар йиғинлари кенгаши кафиллик шартномасига мувофиқ, қарз олувчининг мажбуриятлари бўйича ўз мулки билан жавоб беради.

62. Банклар ўзлари билан доимий алоқага эга бўлган, банк ҳисобварағида мунтазам пул оқими мавжуд, яхши обрў ва кредит тарихига эга қарз олувчиларга, мазкур Низомнинг 60-бандида кўрсатилган таъминотни талаб қилмай, бланкли (ишончли) микрокредит бериш ҳуқуқига эгадирлар.

63. Кафиллик банк-бенефициар ва кафил ўртасида тузиладиган ёзма шаклдаги кафиллик шартномаси билан расмийлаштирилади.

64. Кредит шартномаси тузилганидан сўнг кредит бўлими ходими, муддати ва фоиз ставкасини кўрсатган ҳолда, ссуда ҳисобварағини очиш тўғрисида банк бухгалтериясига кўрсатма беради.

65. Микрокредит бериш тўғрисида қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб қарз олувчига кредит варақчаси очилади ва унинг ёрдамида кредит устидан назорат амалга оширилади.

66. Кичик бизнес субъектларининг Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кредит линиялари ҳисобидан кредит олиш тўғрисидаги кредит буюртмаларини кўриб чиқишда, кредитни қайтаришнинг таъминоти сифатида, Марказий банкнинг норматив ҳуқуқий ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа таъминот шакллари билан бир қаторда, мазкур жамғарма кафиллиги ҳам қабул қилиниши мумкин.

67. Кредит сўраб, мазкур Низомнинг 59 ва 60-бандларида кўрсатилган барча зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда, берилган кредит буюртмаси банкка келиб тушган кундан бошлаб, ушбу аризани банк томонидан кўриб чиқиб, розилик билдириши ёки ёзма равишда асослантирилган рад жавобини бериш муддати қуйидагича белгиланади :

оилавий тадбиркорлик субъектлари, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган деҳқон хўжаликларининг ҳамда юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликлари, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга микрокредитлар бериш борасидаги кредит буюртмасини кўриб чиқиш муддати 5 иш кунидан;

бошқа микрокредитларни бериш тўғрисидаги кредит буюртмаларни кўриб чиқиш муддати 10 иш кунидан ошмаслиги керак.

68. Тижорат банки филиали кредит қўмитасининг қарори узил-кесил бўлиб бюджетдан ташқари жамғарма кредит линияси ҳисобидан кредитлар беришни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

Бунда бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан кичик бизнес субъектларини уларга мурожаат қилишини талаб қилиши, шунингдек, тижорат банкларидан мазкур кредитларни ажратишга доир қарорлар ва шу масала билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни талаб қилишига йўл қўйилмайди.

69. Тижорат банки кредит қўмитаси томонидан кичик бизнес субъектининг инвестиция лойиҳаси маъқулланганидан кейин бюджетдан ташқари жамғарманинг кредит линиясида маблағ мавжуд бўлмаса, банк бўлими шу куннинг ўзида Бош банкка ёки ушбу банкнинг вилоят бўлимига мазкур кредит линияси бўйича қўшимча маблағлар ажратиш ҳақидаги буюртмани йўллайди.

Банк бўлимининг буюртмаси асосида Бош банк ёки унинг вилоят бўлими буюртма олинган куннинг эртасидан кечиктирмай тегишли бюджетдан ташқари жамғарма кредит линияси ҳисобидан талаб қилинаётган суммани ажратади.

Агар бюджетдан ташқари жамғарманинг Бош тижорат банкида очилган кредит линиясида маблағлар мавжуд бўлмаса, Бош банк шу куннинг ўзидаёқ бу ҳақда банк бўлимига хабар беради ва бир вақтнинг ўзида, бюджетдан ташқари жамғармага қўшимча маблағлар ажратиш ҳақидаги талабномани жўнатади.

70. Тижорат банки филиали бюджетдан ташқари жамғарманинг кредит линиясида маблағлар вақтинчалик мавжуд эмаслиги ҳақидаги хабарни олганидан кейин, ушбу хабар олинган куннинг эртасидан кечиктирмай, қарз олувчини бу ҳақда ха-

бардор қилади. Айни вақтда, банк филиалининг кредит қўмитаси томонидан инвестиция лойиҳалари маъқулланган барча қарз олувчиларнинг номи, уларнинг кредит буюртмаларини банк филиали кредит қўмитаси томонидан маъқулланган санасидан келиб чиққан ҳолда, календарь навбати асосида киритилган рўйхат тузади.

Банк бўлими томонидан кредит олиш учун навбатда турганлар рўйхати ҳар бир бюджетдан ташқари жамғарма бўйича алоҳида тузилади ва операциялар зали (фронт офис)нинг кўринадиган жойига барчанинг танишиши учун осиб қўйилади. Ушбу рўйхатнинг банк филиали бошқарувчиси томонидан имзоланган нусхалари тижорат банкининг вилоят бўлимига ва Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасига назорат олиб бориш учун тақдим этилади.

Бюджетдан ташқари жамғарманинг кредит линиясига маблағ келиб тушганидан кейин, шу кредит линияси ҳисобидан кредитлар бериш қатъий равишда тузилган рўйхат асосида, мазкур кредит линияси ҳисобидан кредитлар олиш учун берилган аризаларнинг санасига мувофиқ, календарь навбати билан амалга оширилади.

71. Қарздорлар инвестиция лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланганлигига, тақдим этилаётган маълумотларнинг ҳақиқийлиги ва ишончилигига, лойиҳаларни амалга ошириш параметрлари техник-иқтисодий асосланишларига мувофиқ ва бизнес-режадан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши борасида амалдаги қонунчиликда белгиланган тарзда жавобгар бўладилар.

VIII. Микрокредитларни бериш, ҳисобини юритиш ва улардан фойдаланиш мониторингини амалга ошириш тартиби

72. Микрокредитлар миқдорнинг асосий талаб қилиб олинган депозит ҳисобварағи очилган банклар томонидан берилди.

Микрокредитлар алоҳида ссуда ҳисобварағини очиш ва ушбу ҳисобварақдан қарздорнинг тўлов топшириқномалари асосида товар-моддий бойликлар учун нақд пулсиз шаклда тўлаш йўли билан амалга оширилади.

Юридик шахс мақомига эга бўлмаган яқка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларига 5000 АҚШ доллари эквиваленти миқдорида бериладиган, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳамда дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга ажратилган микрокредит умумий суммасининг 50 фоизини нақд пул билан 1,5 йил (18 ой) муддатга беришга рухсат этилади.

Шунингдек, юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликлари ва фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва ривожлантириш учун 10000 АҚШ доллари эквиваленти миқдоригача миллий валютада ажратилган микрокредит умумий суммасининг 50 фоизини нақд пул билан 1,5 йил (18 ой) муддатга фақат чорва моллари, парранда, кўчат, уруғлик ва ем-хашакни аҳолидан сотиб олиш учун берилишига рухсат этилади. Бунда саноат йўли билан қайта ишлаш асосида тайёрланган чорва озуқаларини сотиб олиш учун микрокредит ҳисобидан нақд пул берилишига йўл қўйилмайди.

Кичик бизнеснинг бошқа субъектларига микрокредитлар нақд пулсиз шаклда берилди.

Нақд пул билан берилган микрокредитларни қайтариш ва уларнинг нақд пулда берилган қисмига ҳисобланган фоизлар тўлови мажбурий равишда фақат нақд пулда амалга оширилади.

73. Яқка тартибдаги тадбиркорларга ҳамда оилавий тадбиркорлик субъектларига берилган микрокредитлар банк балансида 15000 – «Яқка тартибдаги тадбиркорларга берилган узоқ муддатли кредитлар» баланс ҳисобварағида юритилади.

74. Алоҳида ссуда ҳисобварақлари бўйича тегишли банк ходимининг кўрсатмасига кўра берилган микрокредитларга муддатли мажбуриятномалар расмийлаштирилади ва улар тўла қайтарилгунга қадар 91905 — «Қарздорларнинг узоқ муддатли кредитлар ва лизинг бўйича мажбуриятлари» номли кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

75. Микрокредитларни қайтариш муддати келган вақтда қарздорнинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағида кредитни қайтариш учун маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, мазкур кредит муддати ўтган ссудалар ҳисобварағига ўтказилади, улар бўйича муддатли мажбуриятномалар тўлови эса, 2-сон картотека орқали календарь навбатида амалга оширилади.

76. Тадбиркорбанк томонидан тижорат банкларига кредит линияси очиш учун тақдим этилган маблағларнинг ҳисоби Тадбиркорбанкда 14500 — «Бошқа банкларга берилган узоқ муддатли кредитлар» ҳисобварағида юритилади.

Тижорат банклари томонидан Тадбиркорбанк кредит линияларидаги маблағлар ҳисобини 22006 — «Бошқа банклардан олинган узоқ муддатли кредитлар» баланс ҳисобварағида юритилади.

77. Тижорат банклари Тадбиркорбанк кредит линияларини ўзлаштиришнинг аҳволи тўғрисида ҳар чоракда Тадбиркорбанкка, ушбу кредитларни олган кичик бизнес субъектлари рўйхатини илова қилган ҳолда, ахборот тақдим этадилар. Ушбу ахборотлар маълумотлари бўйича ҳар чоракда тижорат банки билан Тадбиркорбанк ўртасида маблағларни ишлатишни солиштириш далолатномалари тузилади.

78. Тижорат банки кредит линияларидаги маблағларнинг кичик бизнес субъектларини кредит шартномасида белгилаб олинган шартлар асосида кредитлаш учун ишлатилмай қолган қисмига бюджетдан ташқари жамғармаларга ва Тадбиркорбанкка Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкаси миқдоридан кам бўлмаган миқдорда фоиз тўлайди.

79. Тижорат банклари кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида доимий мониторинг ўрнатадилар. Доимий мониторинг қарздорнинг инвестиция лойиҳасини ва кредит шартномаси шартларини амалга оширилишига ҳар томонлама қўмаклашишга қаратилган бўлиши лозим.

80. Мониторинг жараёнида миқдорнинг хўжалик-молиявий фаолияти, унинг томонидан тузилган шартнома (буюртма)лар асосида маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларининг бажарилаётганлиги, ишлаб чиқариш ҳажми, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишлар, муомала харажатлари, фойда, ўзининг мавжуд айланма маблағлари динамикаси, товар-моддий бойликлар захираси ҳолати, айланма маблағларнинг айланиши таҳлил қилинади. Банк қарздорнинг кредитга қобилиятлигининг доимий мониторингини амалга оширади ва уни қарздор учун очилган махсус жилдда тизимлаштириб боради.

Банкка берилган гаровнинг ҳолати ва берилган кредитдан мақсадли ва самарали фойдаланилаётганлиги жойига чиқиб текширилади.

81. Берилган кредитлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари аниқланган ҳолда, банк қарздорни бундан кейин кредитлашни рад этишга, қарздордан кредит суммасини муддатидан олдин қайтариб олишга ва ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида белгиланган шартлар асосида жарима белгилашга ва муддатидан олдин ундириб олишга ҳақлидир.

82. Қарздор томонидан олинган кредит бўйича асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизлар кредит шартномасида келишилган муддатда қайтарилмаса, банк Фуқаролик кодексининг 280-моддаси иккинчи қисми асосида, мустақил равишда судга мурожаат қилмасдан, гаров мулкни тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

83. Қарздор кредит бўйича қарзи ва ҳисобланган фоизларни кредит шартномаси шартлари асосида тўлашдан ёки гаров шартномаси шартлари асосида гаров мулкани банк тасарруфига беришдан бош тортган ҳолда, банк ушбу микрокредитни қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ундиради.

84. Қарз олувчининг таъминоти микрокредит бўйича асосий қарздорлик ва унга ҳисобланган фоизларни қайтаришга етмаган тақдирда, банк, мазкур қарзни қайтаришни қарз олувчининг ликвидли мол-мулки, шу жумладан, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектлари, транспорт воситалари, компьютер ҳамда корхона ва ташкилотларнинг бошқа ликвидли активлари ҳисобига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 декабрдаги 422-сонли қарори билан тасдиқланган «Банкларни кредитлари бўйича қарздорлик ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда ундирувни қарздорларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш Тартиби»га мувофиқ амалга ошириши мумкин.

85. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Савдо ва саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликлари уюшмаси билан келишилган.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири О. ОБИДОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 31 декабрь

Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси Г. САИДОВА

Тошкент ш.,
2005 йил 31 декабрь

Савдо-саноат палатаси раиси в.б. Н. ҚОСИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 31 декабрь

Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси раиси С. ҚОБИЛОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 31 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

61 Тижорат банклари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси кредит линиялари ҳисобидан оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида

(2006 йил 21 февралда давлат регистрдан чиқарилди)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ, **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви ва Савдо-саноат палатасининг «Тижорат банклари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси кредит линиялари ҳисобидан оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги (2002 йил 3 июнь, рўйхат рақами 1146 — Меъёрий ушжатлар ахборотномаси, 2002 йил, 11-12-сон) 2002 йил 10 майдаги 23, 59, 2-09/3, 217-В, 324-сонли қарор ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига «Тижорат банклари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси кредит линиялари ҳисобидан оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни (2002 йил 3 июнь, рўйхат рақами 1146) давлат рўйхатидан чиқариш учун тақдим этилсин.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири О. ОБИДОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 31 декабрь

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 31 декабрь

Иқтисодиёт вазири В. ГОЛИШЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 31 декабрь

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 31 декабрь

Савдо-саноат палатаси раиси в.б. Н. ҚОСИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 31 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ДАВЛАТ
ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

62 **Акциядорлик-тижорат Тадбиркорбанкнинг кредит линиялари ҳисобидан тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредит бериш ҳамда лизинг компаниялари томонидан лизингни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида**

(2006 йил 21 февралда давлат реестридан чиқарилди)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг «Акциядорлик-тижорат Тадбиркорбанкнинг кредит линиялари ҳисобидан тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредит бериш ҳамда лизинг компаниялари томонидан лизингни амалга ошириш тартиби тўғрисида низом»ни (2004 йил 20 май, рўйхат рақами 1362 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 20-сон, 2004 йил, май, 244-модда) тасдиқлаш тўғрисидаги 2004 йил 13 мартдаги 247-В, 45, 01/06-03-сонли қарор ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига «Акциядорлик-тижорат Тадбиркорбанкнинг кредит линиялари ҳисобидан тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредит бериш ҳамда лизинг компаниялари томонидан лизингни амалга ошириш

тартиби тўғрисида низом»ни (2004 йил 20 май, рўйхат рақами 1362) давлат рўйхатидан чиқариш учун тақдим этилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 31 декабрь

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 31 декабрь

Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 31 декабрь

—

+

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2006 йил 18 февралдан 24 февралгача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Давлат улушларини бошқариш бўйича хизматларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитасининг 2006 йил 25 январдаги 7, 01/06-18/01-сон қарори.*

2006 йил 18 февралда 1262-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 28 февралдан кучга киради).

2. «Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўздавэнергоназорат инспекцияси бошлигининг 2005 йил 26 декабрдаги 232-сон буйруғи.*

2006 йил 18 февралда 1546-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 28 февралдан кучга киради).

3. «Мижозларга ҳисобварақлар очиш, уларнинг ҳисобварақларига пул маблағларини ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш, иш ҳақи ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул маблағларини беришнинг ўрнатилган тартибларини бузганликлари учун тижорат банкларига жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 15 февралдаги 4/4-сон қарори.*

2006 йил 21 февралда 1044-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 3 мартдан кучга киради).

4. «Ўзбекистон Республикасида радиоалоқадан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2006 йил 6 февралдаги 35-сон буйруғи.*

2006 йил 21 февралда 1547-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 3 мартдан кучга киради).

5. «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2005 йил 31 декабрдаги 273-В, 111-сон қарори.*

2006 йил 21 февралда 1548-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 3 мартдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикасида радиоалоқадан фойдаланиш қоидалари. *ЎзПТА томонидан тасдиқланган (1999 йил 5 июль, рўйхат рақами 764).*

Адлия вазирининг 2006 йил 21 февралдаги 27-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари орқали яқка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш тартиби тўғрисида низом, 1-сонли ўзгартиришлар. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (2001 йил 3 октябрь, рўйхат рақами 1074; 2003 йил 25 сентябрь, рўйхат рақами 1074-1; 2004 йил 7 апрель, рўйхат рақами 1074-2; 2004 йил 13 декабрь, рўйхат рақами 1074-3).*

Адлия вазирининг 2006 йил 21 февралдаги 28-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

3. Оилавий тадбиркорлик субъектларига Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси кредит линиялари ҳисобидан тижорат банклар орқали микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Макроиқтисодстат вазирлиги, Марказий банк, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан тасдиқланган (2002 йил 3 июнь, рўйхат рақами 1146).*

Адлия вазирининг 2006 йил 21 февралдаги 29-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

4. Акциядорлик-тижорат Тадбиркорбанкнинг кредит линиялари ҳисобидан тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредит бериш ҳамда лизинг компаниялари томонидан лизингни амалга ошириш тартиби тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланган (2004 йил 20 май, рўйхат рақами 1362).*

Адлия вазирининг 2006 йил 21 февралдаги 30-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.